

VII. ҚОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)

Қорхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) 16037 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 15693 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,9 фоизни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган қорхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (26,4 фоиз), Қизилтепа (11,9 фоиз), Кармана (16,1 фоиз) ва Хатирчи (11,7 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган қорхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Навоий вилояти	16037	100,0	15693	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	4228	26,3	4007	25,5
Зарафшон	1244	7,8	1231	7,8
<i>туманлар:</i>				
Конимех	510	3,2	500	3,2
Қизилтепа	1903	11,9	1888	12,0
Навбахор	1472	9,2	1461	9,3
Кармана	2584	16,1	2567	16,4
Нурота	1205	7,5	1180	7,5

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Томди	291	1,8	288	1,9
Учқудук	728	4,5	717	4,6
Хатирчи	1872	11,7	1854	11,8

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, (% да)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг

23,6 фоиз), саноат (17,0 фоиз), қурилиш (8,2 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,0 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)**


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	16037	100,0	15693	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1680	10,5	1653	10,5
саноат	2663	16,6	2613	16,7
қурилиш	1452	9,1	1425	9,1
савдо	4362	27,2	4291	27,3
ташиш ва сақлаш	539	3,4	526	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1171	7,3	1122	7,1
ахборот ва алоқа	184	1,1	179	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	257	1,6	254	1,6
бошқа турлари	3729	23,2	3630	23,2

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)



Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,9 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,1 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (% да)




2019 йил 1 октябрь ҳолатига 13601 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4082 та, оилавий корхоналар – 2522 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 6772 та, акциядорлик жамиятлари – 20 тани ва 205 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 5226 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 баробар кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (1024 та), Хатирчи (794 та), Қизилтепа (727 та), Кармана (681 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (110 та), Конимех (174 та), Нурота (297 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 43,5 фоиз, саноатда 20,5 фоиз, қурилишда 5,8 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9,6 фоизни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турларида янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг улуши, % да**



2019 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 13531 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 55,8 фоизга ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3478 таси (жами субъектларнинг 25,7 фоизи) Навоий шаҳри, 2312 таси (17,1 фоизи) Кармана, 1645 таси (12,2 фоизи) Қизилтепа, 1541 таси (11,4 фоизи) Хатирчи ҳамда 1262 таси (9,3 фоизи) Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 215 таси (1,6 фоизи) Томди, 375 таси (2,8 фоизи) Конимех, 605 таси (4,5 фоизи) Учқудуқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Жами	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритмаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2019 йил январь- сентябрда янгидан ташкил этилган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2019 йил январь- сентябрда фаолияти тулгатилган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони
Вилоят бўйича	13819	13,9	13531	13,6	288	0,3	5092	5,1	447	0,5
<i>шаҳарлар:</i>										
Навоий	3661	26,6	3478	25,3	183	1,3	982	7,1	123	0,9
Зарафшон	1110	13,3	1101	13,2	9	0,1	575	6,9	49	0,6
<i>туманлар:</i>										
Кармана	2327	17,8	2312	17,7	15	0,1	663	5,1	40	0,3
Конимех	385	10,9	375	10,6	10	0,3	167	4,7	23	0,6
Қизилтепа	1654	10,9	1645	10,9	9	0,1	711	4,7	62	0,4
Навбахор	1271	11,3	1262	11,2	9	0,1	472	4,2	16	0,1
Нурота	1022	11,1	997	10,8	25	0,3	292	3,2	35	0,4
Томди	217	14,9	215	14,7	2	0,1	107	7,3	16	1,1
Учкудук	616	16,6	605	16,3	11	0,3	338	9,1	33	0,9
Хатирчи	1556	7,9	1541	7,8	15	0,1	785	4,0	50	0,3

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
худудлар бўйича сони**

	2018 йил 1 октябрь ҳолатига		2019 йил 1 октябрь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Навоий вилояти	8684	100,0	13531	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	2665	30,7	3478	25,7
Зарафшон	557	6,4	1101	8,1
<i>туманлар:</i>				
Конимех	202	2,3	375	2,8
Қизилтепа	960	11,0	1645	12,1
Навбахор	757	8,7	1262	9,3
Кармана	1622	18,7	2312	17,1
Нурота	728	8,4	997	7,4
Томди	110	1,3	215	1,6
Учкудук	305	3,5	605	4,5
Хатирчи	778	9,0	1541	11,4

Фаолият кўрсатаётган жами 13531 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 4279 таси (31,6 фоизи) – савдода, 2585 таси (19,1 фоизи) - саноатда, 1620 таси (12,0 фоизи) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1422 таси (10,5 фоизи) - қурилишда, 1121 таси (8,3 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 516 таси (3,8 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 194 таси (1,4 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 168 таси (1,2 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1626 таси (12,1 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (% да)**




2019 йил 1 октябрь ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 0,8 фоизни (9 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 0,7 фоизни (9 та), Нурота 2,4 фоизни (25 та), Учқудуқ 1,8 фоизни (11 та), Конимех 2,6 фоизни (10 та), ва Томди тумани 0,9 фоизни (2 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 447 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 84 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 18,8 фоиз) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитал иштирокидаги корхоналар сони 182 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 92 тага ёки 202,2 фоизга (2,0 марта) ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 113 таси қўшма корхоналар, 69 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 62 та (34,1 фоиз) ва Кармана 43 та (23,6 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди 6 та (3,3 фоиз), Конимех 6 та (3,3 фоиз), Навбахор 8 та (4,4 фоиз), Учқудук 8 та (4,4 фоиз) ва Қизилтепа 10 та (5,5 фоиз) туманларига тўғри келди.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши (2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Навоий вилояти	182	100,0
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	62	34,1
Зарафшон	12	6,6
<i>туманлар:</i>		
Конимех	6	3,3
Қизилтепа	10	5,5

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Навбахор	8	4,4
Кармана	43	23,6
Нурота	19	10,4
Томди	6	3,3
Учкудук	8	4,4
Хатирчи	8	4,4

Фаолият кўрсатаётган 182 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 109 таси (59,9 фоиз) саноат, 15 таси (8,2 фоиз) савдо, 29 таси (15,9 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (1,7 фоиз) ташиш ва сақлаш, 10 таси (5,5 фоиз) қурилишда, 3 таси (1,7 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,5 фоиз) Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 12 таси (6,6 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Жами	182	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	109	59,9
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29	15,9
қурилиш	10	5,5
савдо	15	8,2
ташиш ва сақлаш	3	1,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1,7

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
Ахборот ва алоқа		
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	0,5
бошқа турлари	12	6,6

2019 йилнинг январь-сентябрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 74 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 15 та, Хитой Халқ Республикаси - 13 та, Эрон Ислом Республикаси – 11 та, Корея Республикаси - 3 та, Индонезия Республикаси – 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 6 та, Тожикистон - 2 та, Туркия - 1 та, Туркменистон – 1 та, Туркия – 4 та, Афғонистон – 2 та, Австралия- 2 та, Венгрия – 2 та, Озарбайжон – 1 та, Бразилия – 1 та, Германия – 1 та, Қириғизистон – 1 та, Америка Қўшма штатлари – 3 та, Қозоғистон Республикаси – 4 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


74 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (19 та) ва Зарафшон (5 та) шаҳарларида, Кармана тумани (17 та), Қизилтепа (3 та), Навбахор (3 та), Конимех (2 та), Томди (4 та), Учқудуқ (7 та), Хатирчи (4 та) ва Нурота (10 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
Навоий вилояти	74	100,0
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	19	25,7
Зарафшон	5	6,8
<i>туманлар:</i>		
Конимех	2	2,7
Қизилтепа	3	4,0
Навбаҳор	3	4,0
Кармана	17	23,0
Нурота	10	13,5
Томди	4	5,4
Учкудук	7	9,5
Хатирчи	4	5,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 46 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11 та, савдода 3 та, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 та, ташиш ва сақлашда 1 та, қурилишда 5 та, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та ва бошқа фаолият турларида 6 та ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2019 йил 1 октябрь ҳолатига 6 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (2 та), Зарафшон шаҳри (1 та), Навбахор тумани (1 та), Конимех тумани (1 та) ва Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 2550 тани ташкил этиб, улардан 2522 таси ёки 98,9 фоиз фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 3,8 марта ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда

